

РОССИЯ–ХИВА САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИ: АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ ВА ТАРИХИЙ МАНБАЛАР АСОСИДА (XVII-XIX АСРЛАР)

Эримматова Гулноза Азимбой қизи

Урганч давлат университети ўқитувчиси, Урганч

gulnozaerimmatova48@mail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада Хива хонлиги тарихига оид маҳаллий, рус ва хорижий манбалар манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Эрон, Семипалатинск, Фон Кауфман, Александр I, Гандимён шартномаси, С.В.Жуковский, Р.Почекаев, М.Тихонов, пахта, калава.

ABSTRACT

The article analyzes local, Russian and foreign sources on the history of the Khiva Khanate from a source-studies perspective.

Key words: Iran, Semipalatinsk, von Kaufman, Alexander I, the Gandymyan Treaty, S. V. Zhukovsky, R. Pochekaev, M. Tikhonov, cotton, cotton yarn.

АННОТАЦИЯ

В статье источниковедчески проанализированы местные, русские и зарубежные источники по истории Хивинского ханства.

Ключевые слова: Иран, Семипалатинск, фон Кауфман, Александр I, Гандимьянский договор, С. В. Жуковский, Р. Почекаев, М. Тихонов, хлопок, хлопчатобумажная пряжа.

КИРИШ

XIX асрда Хива хонлиги Марказий Осиёнинг муҳим савдо-иқтисодий марказларидан бири сифатида Россия билан фаол савдо алоқалари олиб борган. Хонлик ҳудуди орқали ўтувчи савдо йўллари минтақавий иқтисодий муносабатларда муҳим аҳамият касб этган. Ушбу жараёнлар турли хил тарихий манбаларда акс этган бўлиб, уларни манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш долзарб ҳисобланади.

Мақолада XIX асрда Хива хонлигининг савдо-иқтисодий муносабатларини ёритувчи рус ва маҳаллий ёзма манбаларнинг ахборот салоҳияти ҳамда илмий қиймати таҳлил қилинади хусусан, Г.А.Михалеева рисоласида XVII ва XIX аср биринчи ярмида Ўзбекистонда хунармандчилик, савдо ва божлар масалаларни ёритишга ҳаракат қилган[1]

Тадқиқотчи Б.С. Манылов тадқиқотларида XIX асрда ўзбек хонликларининг Эрон билан иқтисодий алоқалари тарихи ёритилган бўлса, XIX аср сўнгги чораги-XX аср бошлари Россия–Эрон савдо-иқтисодий Туркистон орқали олиб борилишида Хива хонлиги муҳим рол ўйнаши, Хоразм тарихшунослигида Хива хонлиги ташқи сиёсатининг Бухоро ва Россия билан алоқалари ҳамда инглиз вакиллари Хивада тез-тез келишлари, Рус вакили Бекович Черкасскийнинг ўлдирилишига доир Шерғози сиёсати тўғрисида фикр-мулоҳазаларида ўрин олган[2]

А.Садиков маълумотида кўра, Хивада 400 та дўкон, 50 та каровн сарой, Хазараспда-400, Янги Урганч Хўжайли ва Тошхавузда 300 тадан Гурланда-370, Чимбайда-150, Қўнғиротда-120, Кўхна Урганчда-100 та. Янги Урганч йирик-савдо марказлари ҳисобланган.[3] Лекин тадқиқотчи Хива каровн саройлар хонлик иқтисодиётида ҳамда Россия, Эрон давлатлари билан савдо алоқаларида тарихий ўрни ёритилмаган. Шу билан бирга Хива ва Россия ўртасида Пўтр-1 ва бошқа рус ҳукмдорлари олиб борган иқтисодий алоқаларида ўзгаришлар бўлганлиги, бунда Россия манфаатлари масалаларига урғу берилган эмас.

Тадқиқотчи Г.Тўхтаматов Россия-Хива хонлиги муносабатлари, савдо-элчилик алоқалари тарихини ёритишга эътибор берган[4]. Ўзбекистон тарихи Манбашунослиги тадқиқотчиси Б.И.Лунин монографиясида Россия-Хива билан савдо алоқа йўллари тарихи қайд қилинган. Тадқиқотчи фикрича:

1. йул шимолий-йўналиш-Янги Урганч-Устюрт-Мағишлоқ ярим ороли-Волга буйи-Астрахан-дашт йули,
- 2.Жанубий йул-Қорақум саҳроси-Красноводск-Шемахақала-серқатнов йўналиш мақомига эга эмас.
- 3.Шарқий йул-Амул (Чоржўй)-Бухоро-Самарқанд-Тошкент-Оренбург-Семипалатинск. Хива-Астрахан-Оренбург-Нижний Новгород, Петербург[5].

Тадқиқотчи 1840-1850 йилларда Хива ва Россия ўртасида ўзаро товар алмаштириш таркиби қайд қилинган бунга кўра, Россиядан олиб келинган товарлар қуйидагича бўлган: олтин, кумуш, мис, темир ва пўлат, қоғоз, мовут, ипак, тери, ёғоч, бўёқ маҳсулотлари, Хивадан эса, пахта ва калава, ипак хом-ашёси, мовут, газлама, нодир тошлар ва жалолар[6].

Қайд қилиш жоизки, юқорида қайд қилинган тарихий даврларда Россия ва ўзбек хонликлари билан сиёсий ва дипломатик босим устунлик қилинаётган пайтда бўлса ҳам улар ўртасида савдо-сотик ривожланиши давом этган. Архив маълумотларига кўра, 1858-1867 йилларда хар йили 803 минг рубл ташкил қилган. 10 йил давомида унинг миқдори 8 млн рубл бўлган[7]. А.Содиқов

маълумотиға кўра, 1850-1859 йилларда Хивадан Россияга чиқарилган маҳсулотлар хажми 1, 155, 941 сум ташкил қилган бўлса, Россиядан Хивага эса пахта ва қоғоз маҳсулотлари 350. 491 сўм миқдорда бўлган[8].

Тадқиқот методологияси қуйидагилар қилиб белгилаб олинди.

Илмий холислик, тарихий – хронологик изчиллик, назарий-қиёсий таҳлил, мунозара, умумлаштириш, якуний хулоса, этнография, география фанлари ютуқларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқотчи С.Маткаримова асарида маҳаллий тадқиқотчилар асарларида Россия-Хива муносабатлари тарихига ҳам эътибор берган, алоқалар тарихини ёритишда ўтган аср тадқиқотчилар асарларида маълумотлар назарий-қиёсий таҳлил қилиниб, ўз хулосаларини таҳлил қилган.

Монографиянинг биринчи боби XIX - XX аср бошига мансуб маҳаллий ва рус манбаларида Хива хонлиги тарихининг ўрганилиши деб номланиб, унинг биринчи банди “Маҳаллий тарихчилар асарларида Хива хонлигидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатлар ёритилиши” да Мунис (Фирдавс ул-иқбол), Огаҳий (Риёз уд-Давла, Зубдат ут-таворих, “Жомеъ ул-воқеати Султоний, Гулшани давлат, “Шохид ул-иқбол” ва Баёнийни (Шажарайи Хоразмшоҳий, Хоразм тарихи асарларида Хива хонлиги аҳолиси тарихи, Россия билан алоқалари тарихига оид маълумотларни асарда қайд қилган. Шу билан бирга Саййид Ҳомид Тўра Комёб (Таворих ул-Хаванин, Аҳмаджон табибий (Мажмуа уш-Шуаро), Бобожон Тарроҳ Азизов (Хоразм навозандалари) Хасан Мурод қори Лаффасий (Тазкиран Шуаро, Жуманияз Хожи Хоразмий ал Хивақий (Исфандиёр) даврининг воқеалари), Абдулла Болгам (Хоразм тарихига материаллар), Полвонниёз Ҳожи Юсупов (Хотиралар) каби маҳаллий тадқиқотчилар асарларидаги маълумотлар назарий-қиёсий таҳлил қилинган. Бобнинг иккинчи банди «XIX-XX аср бошларида Россиялик тадқиқотчилар асарларида Хива хонлиги тарихининг акс этиши» деб номланган. Бунда, рус давлати томонидан Хивага юборилган харбий Миссиялар (А.Бекович-Черкасский, Н.Муравьев, Г.И.Данилевский, XIX аср ўрталаридан бошлаб, давлатнинг дипломатик ва иқтисодий алоқаларини ривожлантириш мақсадида юборилган турли касбдаги мутахассислар (Н.Муравьевнинг қайтадан юборилиши, Г.Сироватский, Л.Костенко, Ю.Гродековнинг, Ф.Лобасевич, О.Шкальский, А.П.Хорошкин, М.Ю.Геректов асарларида Хива хонлиги тарихига оид маълумотлар қайд қилинган.

Иккинчи бобнинг биринчи бандида “Совет тарихшунослигида Хива хонлиги сиёсий ва ижтимоий –иқтисодий муносабатларнинг ўрганилиши деб номланиб, мазкур банд мазмунини Хива хонлиги Қўнғирот сулоласи вакиллари

бошқарилиши даври ижтимоий-иқтисодий ва этник-маданий муносабатлари, жумладан Хива хонлигининг иқтисодий-ҳарбий қудрати, М.В.Нешина, В.Якунин, П.П.Иванов, А.Содиқов, М.Мамажанов, М.Й.Йулдошев, Х.Д.Фрек, П.И.Лерх, А.И.Аминов асарларида қайд қилинган тарихий маълумотлар назарий-қийосий таҳлил қилинган, ўз фикр-мулоҳазаларини изоҳ қилган. Иккинчи бандда эса, ҳорижий тадқиқотчилар асарларида Хива хонлиги тарихига оид маълумотлар ўрин олган. Жумладан А.Вамбери, С.М.Джеймс Аббот, М.Холдеворт, Ризоқул, Ж.Вольф, Ф.Фишер, В.Кониг, Г.Макмунг, XIX аср охирига оид А.Я.Мак-Тахан, П.Крадер, С.Беккер, Р.Пирс, В.Бекер, Ю.Бреголь асарларида маълумотлар географияси анча[9]. Тадқиқотчиларнинг Ўзбекистон давлатчилигида Хоразм тарихи нашрида Иккинчи бўлим давлатчилиги институти деб номланган. 5-банди ташқи сиёсий алоқалари Россия билан алоқалари тўғрисида маълумотлар қайд қилинган, бунда Бекович Черкасскийнинг Хивага юриши, Д.Гладищев, И.Муравин, Д.Рукавкин, В.Перовский Хива ҳарбий юриши, Д.ДЖеккинсон бошчилигида Хива билан дипломатик ва иқтисодий алоқаларни ўрнатиш бўлган.

Учинчи бўлимда Россия империясининг ҳукмронлиги ўрнатилиши даврида Хива хонлиги деб номланиб, унинг “Хива хонлигининг босиб олиниши бандида Россиянинг Хива хонлигига қарши ҳарбий кун тартибига заруратлиги, 1872 йилдан Фон Кауфман Александр-1 дан рухсатнома олгандан кейин, Хива хонлигига қарши ҳаракатларни . 1873 йилда 29 майда Хива хонлиги Россия қарамоғига жалб қилинган. Гандимён шартномасига кўра Хива хонлиги 2 млн 200 минг руб солиқ тўлаши мажбурияти олганлиги қайд қилинган[10]. Тадқиқотчилар ўқув қўлланмасида “Иноқлар ва Қўнғиротлар номда бешинчи бандда. Хива хонлиги XVI аср бошидан XIX асргача тарихий воқеалар батафсил ёритилган, лекин Россия билан иқтисодий алоқалари тўғрисида маълумотлар кузатилмайдди.[11]

Хива хонлигининг дипломатияси ва савдо алоқалари (XVI-XIX асрлар) монографияси Н.Аллаева қаламига мансуб бўлиб, биринчи боби Хива хонлигининг ташкил топишида ташқи алоқаларининг ўрни деб номланган бўлиб, биринчи бандида Хива хонлигининг вужудга келиши жараёнида Марказий Осиёдаги кучлар”- нисбати деб қайд қилинган, бунда тарихий-сиёсий тарих муносабатлари ёритилган.[12]

Асарнинг тўртинчи боби “Хива хонлиги ташқи алоқаларининг институцион моҳияти деб номга эга бўлиб, биринчи бандида “Хива хонлиги ва дипломатик муносабатлар механизмининг шаклланиши ҳамда унинг назарий ва ташкилий масалалари бандида Россия-Хива ўртасида олиб борилган

дипломатик алоқалари, Н.И.Веселовский, О.Атеева, С.В.Жуковский, Р.Почекаев, М.Тихонов, Ризоқулихон ҳамда Хивага келган элчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун (2 тилла ёки 32 сўмдан ажратилганлиги, Н.Муравьев, А.Вамбери, Дипломатия тартиблари қоидалари, П.Никифоровнинг Хива хони Оллоқулихон билан олиб борган музокараларига оид фикр мулоҳазаларини умумлаштирган ҳолда қайд қилган. Монографиянинг Хива хонлиги ташқи иқтисодий алоқаларининг эволюцияси ва асосий босқичлари деб ном олган V бўлимида XIII асрдан кейин Хоразм ташқи иқтисодий алоқалари тарихидан бошланиб, унда Италиялик савдогар Бальдуж Петаллотти ҳамда (1333) Хоразмга келган араб сайёҳи И.Батута хотиралари, М.В.Фихнер, Ф.Ефремов асарларида маълумотлар ҳамда хонликда бозорлар ишлаш тартиб, савдони ўзига кон хусусиятлари тўғрисида маълумотлар жойлаштирилган. Мазкур бўлимнинг иккинчи банди “Хива хонлигининг иқтисодий ва ташқи савдо-тижорат имкониятлари”, Импорт, экспорт маҳсулотлари ва уларнинг хонлик иқтисодиёти ривожига таъсири” деган бандида Хива хонлиги ҳудудида аҳолининг иқтисодий масаласи маҳсулот турлари, Россия, Қўқон ва Қорақалпоқлардан келтирилган моллар тўғрисида тарихий маълумотларни қайд қилган. Хулоса қисмида эса XV аср охири- XVI аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари, улар ўртасида муносабатлар, Россия князликлари, XVIII асрдан бошлаб иқтисодий ва дипломатик алоқалар, Россия империясининг ўзбек хонликларини босиб олиш тадбирлари қайд қилиниб, Хива хонлигининг қўшни давлатлар билан иқтисодий ва Дипломатик алоқалари тарихига оид махсус тадқиқот яратилган бўлиб, юқорида қайд қилинган тарихий даврда Хива хонлиги тарихини ўрганишида асосий назарий жихатидан ўрганишга хизмат қилади.

Қ.Муниров Хоразмда тарихнавислик (XVII-XIX ва XX аср бошлари Тошкент, 2002. 190 б.

А.Отамуродов, О.Абдурахимов Хива элчилари (маъсул муҳаррир Р.Жуманиёзов-Ташкент, 2015. 304 б., К.Худайбергенов. Хива хонлари тарихидан-Урганч. 2008-194 б. каби асарларида Хива хонлиги XVI-XIX асрларда иқтисодий, сиёсий тарихи ҳамда Россия, Бухоро, Қўқон ва Эрон давлатлари билан алоқалари қайд қилинган.

Тадқиқотчилар нашрида Г.М.Ғаниева мақоласида Макка, Мадина шаҳарларига Хоразмлик савдогарлар узоқ йўлни савдо қарвонлари билан Хажга боровчилар.

Хива хонлигидан Макка ва Мадинага учта йўналиш орқали борганлар. Чунончи-Жанубий йўл-Хиндистон-араб денгизи орқали, Марказий йўл

сафавийлар давлати орқали қуруқлик ва савдо йулини тадқиқотчи қайд қилган. Шу билан бирга тадқиқотчи Эронда сафавийлар давлати ўзбек савдогарлари ҳамда Ҳажга борадиганларнинг йули чекланганлигини изоҳ қилган.

XVI-XVII асрда Ўрта Осиё-Волга бўйи-Астрахан йули халқаро карвон йули ҳамда Хаж борадиган йўл бўлган. Юқорида қайд қилган шаҳарга ўзбек хонлиқдаги савдогарлар икки йўл йуналиши мавжуд бўлган, бунга Кат-Кўхна Урганч-Устюрт-Каспийбуйи-Қозоқ ерлари-Астрахан.

Иккинчи йули-Урал дарёси Қуйи қисмида жойлашган Яицкий ёки Тош шаҳар (Гурьев шаҳри) орқали йул савдоларни бориши имкон берадиган йул бўлган. Тош шаҳардан Бухоро-Хива Хиндистон йули фаолият олиб борган. Шу билан бирга, тадқиқотчи А.Чулошовнинг XVI-XVII асарларида Хива-Бухоро-Астрахан йули-Эмба-Устюрт-Урганч-Бухоро томонга йуналишга эътибор берган.

Иккинчи йул Кат-Кўхна Урганч-Манғишлоқ-Кабакли-қараган ўрталари халқаро карвон йўли бўлган халқаро карвон йули ривожланишида Оренбург шаҳри тарихига оид тарихий маълумотларни изоҳ қилган[13].

Хоразм воҳаси аҳолиси учун тўғри йул ҳам қуруқлик, ҳам савдо йули қулай бўлган деган фикрига қўшилиш мумкин.

Ж.Саидов мақоласида эса, Хива билан Россия ўртасида XIX асрда савдо муносабатлар ва дипломатик алоқалар олиб бориладиган 3 та йўлга эътибор берган: Чунончи,

Шимолий йул-Янги Урганч-Устюрт Манғишлоқ-Астрахан.

2-Жанубий йул-Қорақум-Кавказ.

3.Шарқий йул- Чоржуй – Бухоро – Самарқанд – Тошкент - Оренбург-Семипалатинск. Хивадан чиққан савдо карвони-Астрахан-Оренбург-Нижний Новгород-Петербургу. Шунингдек Россиядан Хивага, Хивадан Россияга чиқарилган товарлар рўйхати жадвали берилган[14].

М.Б.Шамсиев эса, Хива ва Россия савдо йуллари ва империянинг ҳарбий манфаатлари томонларига эътибор бериб, бунда XIX асрда Хива ва Россия ўртасида алоқалар савдога эмас, балки Россия манфаатларига хизмат қилишини тўғри қайд қилган, бунда Россия томонидан Хивага ҳарбий кишилар раҳбарлигида дипломатик миссиялар, В.А.Перовский ҳарбий юришлари, В.Данилевский Хива хонлиги билан тўққиз моддадан иборат шартнома имзоланганлиги ҳамда Россия империясининг ташқи сиёсатида ҳарбий ҳаракатларга тадқиқотчи урғу берган туғрисида маълумот берилган.[15]

Мақолада Хива хонлиги тарихини ўрганишда қўлланилган маҳаллий, рус, совет ва хорижий манбалар ҳамда архив манбалари нуқтаи назаридан таҳлил

қилинди. Таҳлил жараёнида маҳаллий тарихчилар асарлари воқеаларнинг ички мантиғини, ижтимоий-сиёсий жараёнларни бевосита акс эттириши билан аҳамиятли экани, рус ҳарбий-дипломатик манбалари эса Россия империясининг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини ифодалагани аниқланди. Совет ва хорижий тадқиқотларда эса манбаларга ёндашув услуби, танлаш мезонлари ва талқин усулларида фарқ мавжудлиги кузатилди. Умуман олганда, Хива хонлиги тарихи бўйича ишончли илмий хулосалар чиқариш учун турли гуруҳ манбаларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш зарурлиги мазкур тадқиқотда яна бир бор тасдиқланди

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Михаллева Г.А. Узбекистан в XVII –первой половине XIX в. Ремесло, торговля, пошлины /под ре. Г.А.Пугаченковой-Ташкент, Фан, 1991- 112 с.
2. Маннонов Б.С. Отношения Ирана со Среднеазиатскими ханствами во второй половине XIX века //Краткие сообщения Института народов Азии /КСИНА, Иранский сборник-М: 1962. Вып 39-С.56-71.
3. Ўша муаллиф. Хоразм тарихнавислигида Хива хонлиги ташқи ёсиёсати //Шарқшунослик-1997 й Б 69-89. Ўша муаллиф элчига ўлим йўқ таомили нега бузилади (Ўзбек дипломатияси тарихидан (тарихий очерклар ва лавҳалар //Хайруллаев таҳрири остида-Ташкент, 2003-Б. 179-190.
4. Содиков А. Экономические связи Хивы с Россией-Ташкент:Фан, 1965-С 21-27.
5. Тўхтаматов Г. Россия и Хива-М: 1969-С 5-25.
6. Лунин Б.В. История Узбекистана в источниках-такшент:Фан, 1990 Т.3-С 88-161.
7. ЎЗ р МДА. 73 фонд 1-рўйхат, 15 иш 42-варақ.
8. Садыков А. Экономические связи С 32-33/
9. Маткаримова С. Хива хонлигининг Қўнғиротлар сулоласи даври тарихшунослиги (XIX аср – XX I аср боши-Тошкент: Янги аср-2016- 121 б.
10. Хорезм в истории Государственности Узбекистана-Ташкент, 2013-Б 233-237.
11. Эшов Б.Ж.А.А.Одилов. Ўзбекистон тарихи (Энг қадимги даврдан XIX аср ўрталаридан) –Ташкент- 2014-Б 452-479..
12. Ғаниева Г.М. Хоразм воҳасидан Маккага элтувчи шимолий йўллар йўналиши //Хоразм тарихи. Замонавий тадқиқотларда-Тошкент-Урганч, 2019-Б 241-245.

13. Саидов Ж. Хива ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқалари ва савдо йуллари //Хоразм тарихи: Замонавий тадқиқотларда-Тошкент-Урганч, 2019-Б 106-110.
14. Шамсиев Б.М. Хива-Россия савдо йуллари ва империянинг харбий манфаатлари //Хоразм тарихи.Замонавий тадқиқотларда-Тошкент-Урганч, 2019.Б.113-116.